Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 2 МАЙ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 90 (13.153)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аъзо Абдуллаев олган сурат

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ОНА ВА БОЛА СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Аёл борки, она бўлишни истайди. Негаки оналик табиат инъом этган энг буюк бахт. Ҳомиладорлик эса аёл ҳаётидаги ғоят муҳим ва масъулиятли босқич ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим таркибий қисми ва аҳоли саломатлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган. Президентимиз Ислом Каримов 2016 йилни мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир.

Мустақиллик йилларида она ва болани ижтимоий ҳамда тиббий ҳимоя қилиш сифатини янада юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бунда ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ва қонунчилик ҳужжатлари мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни, Президентимизнинг 2013 йил 12 мартдаги 2013-2017 йиллар даврида болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисидаги ҳамда 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорлари ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатадиган қатор муассасалар самарали фаолият юритмоқдаки, [illegible]лар [illegible]ақат мамлакатимиз, балки хо[illegible]рижда ҳам яхши маълум.

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази шулардан бири. Ушбу муассаса илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи ва услубий марказ сифатида ташхис қўйиш, даволаш, профилактика ва реабилитация қилиш бўйича инновацион технология ҳамда усулларни ишлаб чиқиб жорий қилмоқда, мамлакатимиздаги барча даволаш-профилактика муассасаларига ихтисослаштирилган акушерлик-гинекологик ёрдам кўрсатмоқда.

Ушбу марказ саноат корхоналаридан узоқ жойлашган бўлиб, бу беморлар ва уларни кўришга келганлар учун тинч ва осойишта муҳитни таъминлашга хизмат қилмоқда. Ҳудудни айланар экансиз, турфа дарахт ва гуллар ифоридан кўнглингиз яйрайди.

– Марказ акушерлик-гинекология клиникаси, илмий-маслаҳат поликлиникаси, илмий бўлим ва илмий кенгашни ўз ичига олган йирик илмий-амалий мажмуадир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош акушер-гинекологи, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази бош директори, профессор Дилбар Нажмиддинова. – Ўтган йили марказ акциядорлик жамиятига айлантирилди ва бунинг учун зарур бошқариш механизмлари жорий этилди. Узоқ муддатга мўлжалланган бу лойиҳанинг амалга оширилиши қандай масалада мурожаат қилишидан қатъи назар, ҳар бир аёлга шу ернинг ўзида замонавий ёрдам олиш имконини беради.

Туғруқ жараёнида аёлнинг турмуш ўртоғи иштирок этиш имконияти, индивидуал психологик ёрдам ва барча қулайликлар яратилган алоҳида палаталар мавжудлиги туфайли аксарият ҳомиладор аёллар айнан ушбу марказни танламоқда. Марказнинг даволаш ишлари бўйича директори Ҳамидулла Тожиевнинг таъкидлашича, иккита туғруқ бўлимининг туғруқ заллари самарали перинатал парвариш бўйича халқаро тавсияларга мослаштирилган. Кўзи ёриган аёллар ва чақалоқларга юқори малакали шошилинч ёрдам кўрсатиш учун зарур жиҳозлар билан таъминланган индивидуал туғруқ заллари ташкил қилинган.

– Мана бу чақалоқ 30 дақиқа аввал дунёга келди, – дейди иккинчи туғруқ бўлими мудири Зулфия Неъматова. – Чақалоқ жарроҳлик амалиёти ёрдамида туғилгани боис, унга ва онасига алоҳида парвариш зарур. Акушер-гинеколог, анестезиолог, акушер ва неонатолог шифокорлардан иборат гуруҳ туғруқ жараёнини доимий назорат қилиб турди.

Зулфия Ғуломовна яна бир чақалоқни қўлига олар экан, кўп йиллик фаолияти давомида қанча гўдакни биринчи марта онасига кўрсатгани ва бағрига қўйганини эслай олмади.

Қоидага кўра, замонавий туғруқхоналарда чақалоқ дунёга келгач, она ва бола бир хонада бўлади. Бундай палаталар она ва бола хонаси дейилади. Бугунги кунда ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатадиган замонавий муассасалар, жумладан, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳам ана шу тартибда фаолият юритмоқда.

(Давоми 2-бетда)

"ФРАНЦИЯ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТАРАФДОРИ"

Яқинда Франциянинг Париж I Пантеон-Сорбонне университетида Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик истиқболларига бағишланган магистрлик конференцияси бўлиб ўтди.

Сенаторлар, Иқтисодиёт ҳамда Молия вазирликлари, Францияниг эксперт ва дипломатик доиралари вакиллари, профессорлар, Париждаги қатор олий таълим муассасалари талабалари қатнашган мазкур тадбирда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий алоқаларнинг бугунги ҳолати, шунингдек, уларни кенгайтириш имкониятлари, бунинг учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Анжуманда сўзга чиққан **Франция Сенати ҳузуридаги "Франция – Марказий Осиё" парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Ив Поццо ди Борго** Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Марказий Осиё ҳудуди қадимдан Шарқ ва Ғарбни боғловчи муҳим маданий ҳамда савдо маркази бўлиб келганини таъкидлади.

— Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги нуфузи тобора ортиб бораётганини алоҳида қайд этиш жоиз, — деди у. — Франция ҳамда Европанинг бошқа мамлакатлари юртингиз билан ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори. Умид қиламанки, ўтказилган конференция ва фикрлар алмашинуви иштирокчиларга дунёнинг стратегик жиҳатдан муҳим ҳудуди марказида жойлашган мазкур давлатнинг бугунги жадал тараққиёти ҳақида атрофлича маълумот олиш имконини берди.

"Business France" агентлигининг Марказий Осиё бўйича вакили Франсуа Марк Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий муваффақиятларини юқори баҳолагани ҳолда, янги жабҳаларда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида улкан салоҳият мавжудлигига эътибор қаратди.

— Ўзбекистон диверсификациялашган ҳамда жадал тараққий этаётган саноати билан минтақада етакчи ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги улушини кўпайтириш орқали эришилаётгани диққатга сазовор, — деди у. — Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт модели ва инқирозга қарши курашиш бўйича вақтида қабул қилинган дастурлар жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган муаммоларнинг салбий таъсирини камайтиришга замин яратди. Бой ҳом ашё ҳамда юқори малакали кадрларга эга мамлакатингиз ўзининг сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлиги билан ҳам ажралиб туради.

Шунингдек, конференция доирасида юртимизнинг иқтисодий, сармоявий, сайёҳлик салоҳиятини тақдимоти ўтказилди. Унда республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, қулай ишбилармонлик муҳити, иқтисодиётни янада либераллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, саноатни модернизациялаш ҳамда замонавий технологик ускуналар билан қайта жиҳозлаш, хусусийлаштириш, корпоратив бошқарувнинг илғор усулларини жорий этиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Таъкидланганидек, ҳаётга татбиқ қилинаётган изчил чора-тадбирлар натижаси жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари рейтингида ўз ифодасини топмоқда. Бу борада Жаҳон банкининг "Бизнесни юритиш" тадқиқоти хулосалари мисол тариқасида келтирилди. Унга кўра, республикамиз рейтингини қисқа давр ичида 70 ўринга яхшилади. Шунингдек, Ўзбекистон дунё бўйича иқтисодиёти энг жадал ривожланаётган мамлакатлар бешталигидан ўрин олди.

Париж I Пантеон-Сорбонне университети профессори Жан-Лук Ле Бидо юртимизда кузатилаётган иқтисодий ўсиш суръатларини юқори баҳолади.

— Мамлакатингиз жаҳон ҳамжамиятида ғоят муҳим ўринга эга, — деди у. — Ўзбекистон нафақат улкан табиий бойликлар, балки интеллектуал, иқтисодий, сармоявий ва сайёҳлик салоҳиятга ҳам эгадир. Бир неча йиллар аввал юртингизга ташриф буюриб, Буюк Ипак йўлидаги чинакам дурдоналар ҳисобланган Самарқанд, Бухоро ҳамда Хива сингари кўҳна шаҳарлар тароватидан баҳра олиш бахтига муяссар бўлган эдим.

Франция Марказий Осиёнинг муҳим давлати бўлган Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида дадил қадамлар ташлаши лозим, деб ўйлайман. Париж I Пантеон-Сорбонне университети Ўзбекистон – Франция ўртасида таълим соҳасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш борасида ҳар томонлама амалий ёрдам беришга тайёр.

"Жаҳон" АА.
Париж

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Тошкент вилояти ҳокимлигида маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини ташкил этиш масалаларига бағишланган минтақавий семинар ўтказилди. Тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятининг сифат жиҳатдан ижобий томонга ўзгараётгани, жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни аниқлаш ва ҳал этишда маҳаллий вакиллик органларининг роли ва аҳамияти ортаётгани қайд этилди.**

● **Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида Корея Республикасининг "Vision Care" халқаро ташкилоти офтальмолог-шифокорлари аҳолини тиббий текширувдан ўтказмоқда.**

● **Навоийда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди. Мусобақада шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 10 жамоа бир неча спорт турлари бўйича жисмоний тайёргарлигини намойиш этди, ҳарбий соҳага оид билим ва кўникмасини синовдан ўтказди.**

● **Хоразм вилоятининг Боғот туманида "Кучли ижтимоий ҳимоя – асосий мақсадимиз" лойиҳаси доирасида тадбир ўтказилди. Тадбирда "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш партия дастурий мақсад ва вазифаларининг устувор йўналишларидан бири", "Кучли ижтимоий сиёсат – халқ фаровонлиги ва жамият ижтимоий барқарорлигининг муҳим омили" мавзуларида маърузалар тингланди.**

● **Нукусда "Оила саодати – мустақиллик самараси" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Соғлом она ва бола йили муносабати билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши томонидан ташкил этилган танловда Амударё, Чимбой, Хўжайли, Шуманай ва Кегейли туманларидан оилалар иштирок этди.**

● **Навоийда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Жаҳолатга қарши маърифат", "Мен диний экстремизм ва терроризм таҳдидини қандай тушунаман?" мавзуларида иншолар танлови ўтказилди.**

● **Бухорода "Таълим ва мутахассислик" кўргазмаси ҳамда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Кўргазма доирасида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 142 корхона, ташкилот ва муассаса 1 минг 500 га яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада 418 нафар битирувчига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.**

ЖАҲОНДА

● **50 йиллик танаффусдан сўнг илк бор АҚШдан Кубага дастлабки сайёҳлик парвози амалга оширилди.**

● **Гран-при туркумидаги жаҳондаги энг нуфузли "Формула-1" автопойгаларининг навбатдаги босқичида "Мерседес" машинасини бошқарган пойгачи Росберг ғалаба қозонди.**

● **Японияниng Sharp компанияси сунъий ақлга эга телефон яратди. Овоз ёрдамида бошқариладиган ушбу қурилма суҳбат давомида ўз хўжайинининг одатларини ўрганиб боради ҳамда мос равишда жавоб қайтаради. Шунингдек, телефон робот об-ҳаво, теледастурларни ўзи аниқлаб айтиши, қўнғироқ ҳақида хабар бериши, мустақил равишда керакси қўнғироқларни қабул қилмаслиги ва шунга ўхшаш вазифаларни бажариши мумкин.**

ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани жамиятимизда демократик ислоҳотларни янада ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва ролини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Йиғилишда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ижро этишда нодавлат нотижорат ташкилотларини кенг жалб этиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши ва давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат гранти ажратиш бўйича эълон қилинган биринчи ва иккинчи танлов натижалари муҳокама этилди.

Мазкур танловларга уч юз элликдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тўрт юзга яқин лойиҳаларни тақдим этган. Биринчи танловда аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, аёллар манфаатини ҳимоялаш ва бандлигини таъминлаш, оила институтини мустаҳкамлаш каби муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган қирқ бешта лойиҳа ғолиб деб топилиб, уларни молиялаштириш учун 1,1 миллиард сўм маблағ ажратилди.

(Давоми 2-бетда)

Шаҳрим – фахрим

Гўзал ва обод юртимизга ҳамиша байрамлар ярашади, доимо бу каби тадбирлар меҳмонлар, миллий мусиқа садолари, куй-қўшиқлар ва рақслар билан кўтаринки руҳда ўтади. Куни кеча анъанавий тарзда ўтказилган фавворалар сайли ҳам шундай завқли, шоду хуррамлик ва эзгу ниятлар байрамига айланди.



МУСАФФО ЖИЛВАЛАР САЙЛИ

"Фавворалар сайли" ёшлар оммавий-маданий тадбирлари миллий қадриятларимиз, юртимизнинг бой тарихи ва мустақиллик ютуқларини қадрлайдиган, ватанимиз ва халқимизни чин дилдан севадиган баркамол авлодни тарбиялаш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳини, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилади.

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа қатор идора ва ташкилотлар томонидан ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги 14 та фавворалар атрофида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, рассомлар, рақс ва театр гуруҳлари иштирокида оммавий-маданий тадбирлар, турли танловлар бўлиб ўтди.

(Давоми 4-бетда)

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига мувофиқ шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органи бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилиниб, унга мувофиқ жорий йил май-июнь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов бўлиб ўтади.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

САЙЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Бу йилги сайловларда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 99 мингдан зиёд маслаҳатчисини сайлаш режалаштирилган. Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёнида адолатли ва эркин сайловлар ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Зеро, сайлов демократиянинг энг асосий белгисидир. Айнан сайловлар воситасида фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этадилар. Мамлакатимизда ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси ҳисобланадиган маҳалланинг юқори даражадаги роли ва таъсирчанлиги ҳам аввало унинг сайловлар билан боғлиқлигидадир. Бинобарин, бу сайловларга муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида қаралаётгани ҳам бежиз эмас. Зотан, бу йилги сайловнинг ўзига хос жиҳатлари янги таҳрирдаги "Фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунда ўз ифодасини топган. Бинобарин, мазкур қонун сайлов ҳуқуқига оид халқаро-ҳуқуқий мезонларга мос бўлиб, унга биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, Олий Мажлис Сенати Кенгашига сайловларни ўтказишнинг аниқ муддатини ва сайловларга тайёргарлик кўриш тадбирларини ўтказиш тартибини белгилаш, ишчи гуруҳга фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиси вазифасига номзодларни илгари суриш, фуқаролар йиғини раиси вазифасига кўрсатилган номзодлар сайловнинг бошланишидан олдин фуқаролар йиғини олдида чиқиш қилиб, ўз фаолияти дастурини эълон қилиш каби ваколат ва вазифалар мустаҳкамлаб қўйилди. Қонунда ишчи гуруҳ фаолиятини тўғри ва тизимли ташкил этиш мақсадида уларга ҳовлилар, уйлар, кўчаларда яшовчиларнинг фуқаролар вакилларини сайлаш юзасидан умумий йиғилишини ташкил этиш ҳамда ўтказиш ва унинг баённомасини тузиш вазифаси юклатилди.

Қонунга биноан, фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодларга қўшимча талаблар белгилаб қўйилди. Яъни, фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодлар сайловнинг бошланишидан олдин фуқаролар йиғини олдида чиқиш қилиб, келажакдаги ўз фаолияти дастурини эълон қилиши керак, бу эса фуқаролар йиғини сайловларининг адолатлилигини таъминлайди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу қонун сайлов ҳуқуқига оид умумэътироф этилган халқаро принциплар ва андозаларга тўлиқ жавоб беради. Чунки, унда қуйидаги умумэътироф этилган принцип ва ҳуқуқлар мустаҳкамланган: умумий сайлов ҳуқуқи; тенг сайлов ҳуқуқи; тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи; яширин овоз бериш йўли билан сайлаш; мунтазам ва мажбурий сайловлар; очиқ ва ошкора сайловлар; эркин сайловлар; ҳақиқий сайловлар; адолатли сайловлар; сайловлар ва ташвиқот фаолиятининг давлат томонидан ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватланиши; фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги устидан шикоят қилиши ва бунинг учун тегишли жавобгарликнинг кўзда тутилганлиги ва бошқалар. Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг сайловларга оид қонунлари, жумладан, "Фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонуни ҳам ана шу халқаро андозаларга тўла мос келади. Масалан, ушбу қонуннинг 4-моддасида белгиланганидек, Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилади.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 6-7-моддаларида муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари мустаҳкамланиб, унга кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ва ундан кўп номзод кўрсатган ҳолда амалга оширилади. Бунда фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга бўлади. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш теңлиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Қонунга биноан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади (22-модда). Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Бу сайлов ҳуқуқининг умумийлиги тамойили ҳисобланади. Конституция ва қонунларда кимлар сайловларда қатнаша олмасликлари ҳам аниқ кўрсатилган. Бунга кўра, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар сайловларда қатнашмайдилар.

Қонунларимизга биноан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Сайлов ҳуқуқининг умумийлиги, теңглиги, тўғридан-тўғрилиги ва яширинлиги ҳақидаги меъёрлар Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунида ҳам тўлиқ белгиланган (қонуннинг 1-6-моддалари).

Теңг сайлов ҳуқуқи тамойилига биноан ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга. Барча турдаги сайловларда ҳамма теңг асосларда қатнашади. Ҳар бир сайловчи овоз бериш учун фақат битта рўйхатга киритилади. Яширин овоз бериш эса сайловчининг ўз иродасини билдириш устидан назорат қилишга йўл қўймасликни назарда тутади. Қонунларимизга биноан сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

Мамлакатимизда ҳақиқий сайловлар принципини амалга ошириш учун етарлича ҳуқуқий асослар мавжуд. Сайловлар халқнинг эркин тарзда ифода этиладиган хоҳиш-иродасини аниқлайди ва унинг бевосита рўёбга чиқарилишини таъминлайди. Қонунларимиз сайловчиларга номзодларни эмин-эркин танлаш, сайлаш имконини беради. Мамлакатимизда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ҳақиқий ва одилона ўтказилишини таъминлаш мақсадида барча номзодларга ва овоз берувчи фуқароларга теңг ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган.

Қонунда сайловни ташкил этиш ва ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Бунга биноан, давлат органлари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашади, зарур ҳолларда эса уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаши шарт (9-модда).

Қонунга биноан Ўзбекистонда давлат ҳудди вакиллик органлари ёки президентлик сайловлари сингари мазкур сайловлар тўғрисида ҳам ахборотни излаш, йиғиш ва тарқатиш эркинлигини, сайлов жараёнларининг оммавий ахборот воситаларида холисона ёритилишини таъминлайди. Оммавий ахборот воситалари қонунга мувофиқ аҳолини сайлов, сайлов кампаниясининг бориши, овоз бериш якунлари ва сайлов натижаларидан хабардор этиб бориш, ўз фаолиятини қонун, қонун ҳужжатлари ва давлатнинг халқаро мажбуриятлари доирасида амалга ошириш учун масъул ҳисобланади.

Қонунларимизда фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги устидан мустақил судларга шикоят қилиши ва бунинг учун тегишли жавобгарлик принципи кўзда тутилган. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Шундай қилиб, сайловга оид қонунларимиз ўзининг демократик тамойиллари билан халқаро андозаларга тўлатўкис мос келади. Бу эса истиқлол шарофати билан мамлакатимизда сайловларнинг эркин ва демократик усуллар билан олиб борилаётганлиги мевасидир.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик университети доценти

ОНА ВА БОЛА СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Марказ акушерларининг таъкидлашича, 25-30 йил аввал она ва боланинг бир хонада бўлишига рухсат этилмасди. Аёллар туғруқхонада бир-икки ҳафта қолиб кетар, бу пайтда чақалоқ болалар бўлимида сақланиб, уларга турли аралашмалар бериларди. Ўша давр тиббиёт йўриқномасига кўра, болани бир кунда олти марта атиги йигирма дақиқадан овқатлантириш белгиланган. Бу эса аёлларнинг боласини кўкрак сути билан боқиш имкониятини чеклаб қўярди. Бугунги кунда ушбу масалага янгича ёндашувлар жорий этилаётгани туфайли она ва чақалоқ туғруқнинг дастлабки дақиқаларидан бирга бўлади ва фақат кўкрак сути билан озиқлантирилади. Бу, ўз навбатида, нафақат она саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, балки боланинг соғлом ривожланишига ёрдам беради.

Баъзан ёш онага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, ушбу қоида бузилиши мумкин. Масалан, Нафиса Ҳакимованинг фарзанди муддатидан олдин туғилди. Туғруқ жараёни мураккаб кечди. Негаки, ёш онанинг қон суюлиши даражаси паст экан. Марказ шифокорлари қон кетишини тўхтатиш, Нафиса ва чақалоқда юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз оқибатларнинг олдини олиш мақсадида барча чораларни ишга солди. Чуқур текширувдан ўтказиш мақсадида вақтидан олдин туғилган ва алоҳида тиббий парвариш талаб қилинадиган чақалоқларга юқори малакали ташхис ва даволаш ёрдами кўрсатиладиган неонатал реанимация ва интенсив терапия бўлимига ўтказилди.

Неонатал реанимация ва интенсив терапия бўлимида янги дори воситалари ва жиҳозларни қўллаган ҳолда, даволашнинг замонавий усулларидан фойдаланилади. Чала туғилган чақалоқлар ҳомила даври ҳолатига мос шароитлар яратилган инкубаторга жойлаштирилади. Жумладан, ҳарорат ва намлик даражаси мунтазам назорат қилиб борилади, шовқин ва ёруғликдан ҳимояланади. Шунингдек, бундай болалар учун физиологик ҳисобланган "ҳомила ҳолати"ни сақлаш мақсадида "уячалар", валиклар, махсус кўрпача ва зарур ҳолларда кислород терапиясидан фойдаланилади.

Марказда оператив ва консерватив бўлимлардан иборат гинекология бўлими ҳам мавжуд. Мутахассисларнинг таъкидлашича, биринчи гинекология бўлимида гистероскопия ва бошқа хизматлар кўрсатилади. Жарроҳлик хоналари иккита лапароскопик устун билан жиҳозланган. Бу устунлар ёрдамида юқори технологияли эндоскопик амалиёт ўтказилади. Шунингдек, замонавий усулларда барча гинекологик муолажалар амалга оширилади.

Иккинчи гинекология бўлимида яллиғланиш, бепуштлик, ҳомила тушиши каби касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш, жарроҳлик амалиётига тайёрлаш ва операциядан кейинги тикланиш ишлари олиб борилади.

Гинекология бўлими фаолияти, ютуқлари, юқори технологик жиҳозлар билан таъминлангани ва шифокорларнинг бой тажрибаси билан танишиб, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бу ерга мурожаат қилган аёллар шифо топишига ишончи комил бўлади. Статистика ҳам шундан далолат беради. Жумладан, 2015 йилда оператив гинекология бўлимида 3,5 минг бемор соғломлаштирилди. Улар орасида хорижлик фуқаролар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Афғонистон, Козоғистон, Хитой, Жанубий Корея, Эрон, Молдова, Арманистон, Саудия Арабистони, БАА, Россия, Руминия, Украина, Франция каби мамлакатлардан аёллар шу ерда даволанди.

Мутахассисларнинг фикрича, туғруқларнинг муваффақиятли, ҳеч қандай асоратларсиз ва хавфсиз кечиши акушер-гинеколог, анестезиолог ва неонатолог шифокорлар билими ва маҳоратига боғлиқдир. Шу боис, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида анестезиология ва реанимация бўлими фаолияти самарали йўлга қўйилган. Бу ерда кўп йиллик иш тажрибасига эга, маҳаллий ва умумий анестезия усулларини пухта биладиган юқори малакали шифокорлар меҳнат қилмоқда.

Бундан ташқари, марказ базасида фаолият юритаётган йирик лаборатория бўлимида ташхис қўйишнинг серологик, микробиологик, иммунофермент, цитологик, гистологик, генетик каби кўплаб усуллари қўлланилади. Бўлим мутахассислари бой тажрибага эга ва турли илмий конференциялар, семинарлар ва марказнинг илмий тадқиқотларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Марказда шифокорлар, ўрта ва кичик ходимлардан иборат 754 мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир бўлимда бир неча ходим илмий иш олиб боради. Ҳар йили ўнлаб шифокор ва илмий ходимлар хорижда малака оширади.

Бундай ёндашув ўз самарасини бермоқда. Хусусан, бугунги кунда марказ илмий йўналишда 5 амалий ва "Преэклампсияни Марказий Осиё ва Европа популяциясида генетик ўрганиш" халқаро лойиҳасини ҳаётга татбиқ этмоқда. Мазкур халқаро лойиҳа Европа Иттифоқининг "EU/AC ва ЕЕСА популяцияларида кардио-метаболик бузилишларни популяцион-генетик тадқиқ этиш" еттинчи ҳадли дастури фонди томонидан молиялаштирилмоқда. Аёлларга ихтисослаштирилган хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида марказ олим ва мутахассислари томонидан аёлларни операция ёрдамида туғдиришда қўлланиладиган консерватив миомэктомия технологияси, қон кетишини камайтирадиган компрессион тикиш технологиялари яратилди. Булар акушерлик ва гинекологик операцияларда интраоперацион ва жарроҳлик амалиётидан кейинги қон кетишининг олдини олиш ва камайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, операциядан кейинги даврни қисқартириш, операцияни бошдан кечирган аёллар саломатлиги ва меҳнат қобилиятини тиклаш, ҳаётини яхшилашга кўмаклашадиган янги усуллар ишлаб чиқилди.

Ушбу илмий изланишлардан кўзланган мақсад аёллар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган самарали технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллашдан иборат. Энг муҳими, ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш хизматлари кадрлари салоҳиятини ошириш учун вилоятлардаги мутахассислар билан тажриба алмашиш ва уларнинг билимини янада бойитишдир. Шу боис, 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан хорижлик ҳамкорларнинг техник кўмагида марказ базасида Ўқув-симуляция маркази ташкил этилди. Унда акушерлик ва гинекология, анестезиология-реаниматология, неонатология соҳасида тиббий ёрдам кўрсатиш усулларини ўргатиш учун зарур бўлган муляжлар, турли техник воситалар, вилоятлардаги мутахассисларни самарали перинатал ёрдам кўрсатиш, гинекология, неонатология ва анестезиология бўйича ўқитиш имконини берадиган дастур ва модуллар мавжуд.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг мавжудлиги тиббиётимиз тобора ривожланаётгани ва ҳомиладор аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш тизими энг илғор соҳалардан бирига айланганидан далолат беради. Замонавий усул ва технологиялардан фойдаланадиган юқори малакали мутахассисларга нафақат беморлар саломатлиги, балки уларнинг ҳаётини ҳам ишониш мумкин. Бугун оналар ва болалар саломатлиги ишончли қўлларда, деб қатъий айтиш мумкин.

(ЎзА)

НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР БЕЛЛАШДИ



"Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда белгиланган вазифалар ижросини жойларда тўлақонли таъминлаш, фуқаролар йиғинларининг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимидаги вазифаларни янада кенгайтириш, аҳолининг маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида маҳаллаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, йиғин ходимларини рағбатлантириш ва муносиб тақдирлаш, шунингдек, ҳудудларда фуқаролар йиғинларининг ўзини-ўзи бошқариш соҳасидаги илғор тажрибаларини оммалаштириш мақсадида Мирзо Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежида "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

— Туманимизда 54 та маҳалла мавжуд бўлиб, бугунги тадбирда 12 та маҳалла фуқаролар йиғинидан вакиллар иштирок этишмоқда, — дейди "Маҳалла" жамоат фонди Мирзо Улуғбек тумани бўлими раиси Нурхон Алланазарова. — Хабарингиз бор, бугунги кунда маҳаллалар фаолиятини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Шу жаҳатдан ўтказилаётган бу танлов маҳаллаларнинг илғор тажрибаларини оммалаштиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

— Маҳалламизда 6992 та аҳоли истиқомат қилади, — дейди тадбир иштирокчиларидан бири, "Навниҳол" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Ибрагимов, — шулардан 221 та вояга етмаган ёшлар бор. Бугунги тадбирда иштирок этиб, ўз фаолиятимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Ушбу кўрик-танлов "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари асосида ташкил этилди. Иштирокчилар 3 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Танлов натижаларига кўра Мирзакалон Исмоилий номли маҳалла фуқаролар йиғини 1-ўринни, "Навниҳол" маҳалла фуқаролар йиғини 2-ўринни ва "Яланғоч" маҳалла фуқаролар йиғини 3-ўринни қўлга киритди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Қ. ЗОКИРОВ
И. Исмоилов олган сурат

ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иккинчи танловда юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, давлат органларининг очиқлигини таъминлаш, маҳалла институтининг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг ёритишга қаратилган ўттизта лойиҳани қўллаб-қувватлаш учун 750 миллион сўм маблағ йўналтирилиши бўйича қарор қабул қилинди.

Йиғилишда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш, оилавий бизнесни ривожлантиришга давлат гранти ажратиш бўйича учинчи ва тўртинчи танловларни эълон қилиш юзасидан фикрлашилди. Бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича Парламент комиссиясининг тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш режаси ва дастури тасдиқланди.

Б.ХИДИРОВА

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА

Учтепа туманида жойлашган "Dimax" бизнес марказида Учтепа тумани ҳокимлиги, прокуратура, сқўолиқ, тижорат банклари ҳамда тадбиркорлик субъектлари иштирокида "Тадбиркорлик фаолияти — қонун ҳимоясида" мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Учтепа туманида 4692 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, унинг 4603 таси фаолият олиб бормоқда, шундан 105 таси қўшма корхоналардир.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги улуши ортиб бормоқда. Биргина, кичик бизнес субъектларининг саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги улуши 90,1 фоизни ташкил этади.

Учтепа тумани прокурори Э.Инамджонов ўз сўзида бугунги кунда давлатимиз томонидан тадбиркорликка берилаётган эътибор, қонунчиликдаги ўзгаришлар, туман прокуратураси томонидан бу соҳадаги қонунлар ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр юритди.

Маълумки, кейинги пайтда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Хусусан, 2012 йил 10 майдаги "Тадбиркорлик кафолати эркинлиги тўғрисида"ги қонун тадбиркорлик фаолиятида кафолатлар ҳамда шароитлар яратишда, ишчанлик фаоллигини оширишда, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади.

Учтепа тумани прокуратураси томонидан тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунларнинг ижроси устидан доимий равишда назорат олиб борилмоқда. Ўтган биринчи чорак давомида прокуратура томонидан қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 3 та тақдимнома, туман назорат қилувчи идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақида 2 та протест киритилган. 5 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланиб, 12 нафар мансабдор шахслар расман огоҳлантирилган. 3 нафар шахс маъмурий, 5 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган. Бош прокуратура назорати остида ишонч телефонига келиб тушаётган ҳар битта мурожаат қонуний ечимини топмоқда.

Йиғилишда "Dimax" бизнес маркази раҳбари, ЎзЛиДеП партияси Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров сўзга чиқиб, давлатимиз томонидан тадбиркорлар экспортини қўллаб-қувватлашга берилаётган эътибор ҳақида тўхталди, яқинда Россиянинг Воронеж шаҳрида савдо уйи ташкил этилганини, бу эса ўз маҳсулотини четга жўнатаман, деган тадбиркорлар учун яратилган яна бир қулайлик эканлигини таъкидлади.

Тадбир асосан савол-жавоб тарзида ўтказилди. Тадбиркорлардан тушган саволларга солиқ, банк, прокуратура, ҳокимлик мутасаддилари жавоб бердилар.

А. АБЗАЛОВ

Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларини улуғлашни назарда тутамиз.

Ислом КАРИМОВ



9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ХОТИРА ВА ҚАДР МОҲИЯТИ

тинчликнинг бебаҳо аҳамиятини теран англаш ва шукроналик туйғусини мустаҳкамлашга ундайди

Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ҳар бир халқ ўз фарзандларини эҳтиром билан эслайди, хотирлайди, шунингдек, жангдан омон қайтган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган ва бугун сафимизда юрган фахрийларни қадрлайди.

Ўз мустақиллигига эришган давлатлар орасида Ўзбекистонимиз бунинг чинакам намунасини кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йилнинг 2 мартидаги "9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги Фармони билан бу байрам моҳияти тубдан ўзгарди. Ўша йили қисқа фурсат ичида Тошкентнинг марказида Хотира майдони бунёд этилиб, унинг тўрида Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди. Ана шу ҳайкал сари бораверишда икки томонда миллий руҳдаги айвонлар ростланиб, унда Ўзбекистонимизнинг ҳар бир минтақаси, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун алоҳида-алоҳида саҳифаларга эга Хотира китоби ташкил этилди ва уларда юртимиздан бориб, урушда ҳалок бўлган ҳар бир фуқаронинг муборак номи битиб қўйилди.

Хотира ва қадрлаш куни энди миллий хусусият касб этди. Бу байрамнинг мазмун-моҳияти кенгайиб кетди. У умумхалқ хотираси ва инсонни қадрлаш кунига айланди.

Шўро даврини бир эслайлик. Ҳамма ёқда номаълум аскарнинг рамзий қабрига дуч келар эдик... Ҳолбуки, жангда ҳалок бўлган тирик жоннинг ҳеч бири номаълум эмас эди-ку! Ҳар бирининг ота-онаси, шаҳри, қишлоғи, маҳалла-кўйи, қавму қариндоши, кўни-қўшниси, фарзанди, умр йўлдоши, борингки, севган ёри мавжуд эди-ку!..

Ўша тузум сиёсати бу билан ҳисоблашиб ўтирмади. Очиғи, ўтган замонда қурбонларни хотирлаш ҳам, тирик қолганларнинг қадрига етиш ҳам шунчаки, яъни расмият учунгина эди, холос. Одамлар шахс сифатида эмас, омманинг таркибий қисми сифатидагина эсланарди. Ҳолбуки, ҳар қандай сиёсат ҳам, аслида, инсон учун, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун бўлиши керак эмасми?!

Инсонни, унинг табиатини мансимаслик, шахсни шахс ўрнида кўрмаслик эски мафкуранинг мағзи-мағзига сингиб кетган ақида эди. Одамга фақат сиёсий ғоялар йўлидаги бир мурватдек қаралар эди.

Энди Тошкент шаҳрининг марказида 1999 йил 9 май куни очилган Хотира майдонидаги қадди дол Мотамсаро она сиймоси пойига битилган: *"Сен доимо қалбимдасан, жигарим!"* – деган сўзларнинг инсонийлигини, самимийлигини ўйлаб, бир юракдан ҳис этиб кўрайлик. Ҳалок бўлган тирик жон кимнингдир жигарпораси, демак, шу Ватаннинг фарзанди-ку! Ҳар бирининг ортидан қанча одам қолди. Умрининг сўнгги лаҳзасига қадар кўзларида ёши қуримай, ўғлини – жигарбандини кутиб ўтган қанчадан-қанча мотамсаро она бор эди. Даҳшатли урушда ҳалок бўлган отажонини кўрмаган, унга, лоақал, бир бора бўлсин: *"Дадажон!"* – деб мурожаат қилолмай яшаётганлар – қанча?!

9 майнинг 1999 йилдан бошлаб *Хотира ва қадрлаш куни* деб эълон қилиниши биздa сиёсатнинг инсонийлашганидан, давлатнинг халқни – инсонни эъзозлашидан далолат беради. Урушда ҳалок бўлган ҳар бир ўзбекистонлик – Ватанимиз фарзанди эди. Уларни ёддан чиқаришга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Истиқлол йилларида 35 жилдлик "Хотира" китоби чоп этилди. Энди эса ўзбекистонлик ҳар бир уруш қурбонининг номи Хотира майдонига ўрнатилган темир "дафтар"га зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилди.

Юртбошимизнинг: *"Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларини улуғлашни назарда тутамиз"*, – деган қимматли сўзлари замирида ана шундай моҳият ётибди.

Хотира майдони зиёратига келган ҳар бир ватандошимиз, албатта, ўз жигари, ҳеч бўлмаганда, бирор қўшнисининг номига дуч келади. Беихтиёр, ўтганлар руҳига тиловату дуолар қилиб, юзига фотиҳа тортади...

Ҳозир барча минтақаларимиз, ҳатто, айрим туманларимиз марказларида ва шаҳарларимизда ҳам шундай Хотира майдонлари барпо этилди ва бу хайрли иш изчил давом эттириляпти.

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 433 минг 230 нафар одам иштирок этди. 263 мингдан зиёд жангчи ҳалок бўлди, 132 минг 670 киши бедарак йўқолди, 604 минг 52 нафар ватандошимиз урушдан ногирон бўлиб қайтди. Хуллас, урушга сафарбар қилинганларнинг ҳар уч нафаридан бири уйига қайтмади... Иккинчи жаҳон уруши йиллари 1 миллиондан ортиқ киши, жумладан, 200 минг бола Ўзбекистонимизга эвакуация қилинди.

Бугун сафларимизда мўътабар инсонлар – уруш қатнашчилари, фронт ортида жонини фидо қилиб, меҳнат-машаққат чекканлар бор. Жамият ҳамиша уларнинг қадрига етиши зарур. Бу тинчликсеварлик ғоясини амалга ошириш учун ҳам керак. Чунки, мустақил Ўзбекистон Республикаси халқи ва давлати аввал-бошдан тинчлик-тотувлик тарафдори сифатида майдонга чиқди.

Мамлакатимизда ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни олдидан уруш қатнашчилари рағбатлантирилади. **Шу йилнинг 18 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, 1941 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига республика бюджети маблағлари ҳисобидан 800 минг сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти бериладиган бўлди. Шунингдек, ушбу пул мукофотини тантанали ва байрамона вазиятда топшириш белгиланди.**

Ана шу Фармон асосида Тошкент шаҳри ҳокимлигининг қарори қабул қилинди ва 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Унга кўра пойтахтимизда истиқомат қиладиган 367 нафар уруш қатнашчиси ва ногирони рағбатлантирилади, шу билан бирга уруш ортида меҳнат қилган 4054 нафар азиз кишиларни юксак даражада қадрлашимиз лозим.

Шаҳар ҳокимлигининг қарорида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси, "Тошкент Почтамти" АЖ, Мудофаа ишлари бошқармаси, Ички ишлар бош бошқармаси ва туман ҳокимларига ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда молиялаштириш ҳамда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотини тантанали ва байрамона вазиятда топшириш ишларини амалга ошириш вазифаси топширилди.

Туман ҳокимликлари, Мудофаа ишлари бошқармаси, Ички ишлар бош бошқармаси, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини зиёрат қилиш, байрам билан табриклаш, ажратилган пул мукофотини тантанали ва байрамона вазиятда топшириш тадбирларини ташкил этиш, Ватанимиз шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган учрашувлар, маърифий-бадиий кечалар ва байрам тадбирларини ўтказиш вазифалари юклатилди.

Чора-тадбирлар дастурига мувофиқ Тошкент шаҳридаги "Мурувват" ва кексалар уйларига ташрифларни ташкил этиш, байрам тадбирларини уюштириш, табриклаш ишларини амалга ошириш, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийлари учун тантанали тадбирлар ҳамда концерт дастурларини ўтказиш, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, ўта муҳтож ва якка-ёлғиз қарияларнинг аниқ рўйхатини ишлаб чиқиш ҳамда байрам олди моддий ёрдам кўрсатиш, корхона-ташкилотлардаги меҳнат жамоаларида узоқ йил ишлаб, нафақага чиққан кексаларнинг ҳолидан хабар олиб, байрам олди табриклаш ва ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилади.

Бу борада дастлабки ишлар бошлаб юборилди. **Ўтган ҳафтада Тошкент шаҳридаги қабристонларда кенг жамоатчилик — маҳаллалар аҳли, ёшларни жалб қилган ҳолда ободонлаштириш ва тозалаш ишлари амалга оширилди, уруш қатнашчиларининг қабрларини ораста ҳолга келтиришга алоҳида аҳамият қаратилди.**

Халқ таълими бош бошқармаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши туман ҳокимликлари билан биргаликда умумий таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари, талаба-ўқувчилар билан биргаликда муассаса ён атрофида истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари ва фронт ортида хизмат қилган фуқароларнинг хонадонларига кириб, уларни табриклаши яхши анъанага айланиб қолган. Бу йил ҳам ушбу анъана изчил давом эттириляпти.

Шу билан бирга касалхона ва шифохоналарда даволанаётган уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фуқароларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш ишлари ўша тиббиёт муассасасида ташкил этилади.

Кўриниб турибдики, *хотира* ва *қадрлаш* тушунчалари – моҳиятан бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

Хотира ва қадрлаш кунини муносиб нишонлашдан кўзланган бош мақсадимиз – уруш қатнашчиларини хотирлаш, орамиздаги фидойи инсонларнинг, фаровонликни таъминлаш учун тер тўкиб, меҳнат қилаётганимизнинг шукронасидан иборат.

Бу ҳар қандай кишини маънан рағбатлантиради, яшашга, яратишга, элу юртга садоқат ва қатъият билан хизмат қилишга ҳамда тинчликнинг бебаҳо аҳамиятини теран англаш ва шукроналик туйғусини мустаҳкамлашга ундайди.

Олим МАҲМУДОВ

ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ ТАРАҚҚИЙ ЭТМОҚДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистонда интернет журналистикаси ривожининг долзарб масалаларига бағишланган талабаларнинг VII анъанавий медиа конференцияси бўлиб ўтди. Унда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар, интернет тармоғида фаолият юритаётган мутахассислар, блогерлар иштирок этди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Хўжаев, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети проректори Д.Жумабоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юксак маънавиятли авлодни тарбиялаш жараёнида ёшларнинг интернетдан фойдаланиш маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тадбирда ахборот соҳасига доир миллий қонунчиликни такомиллаштириш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, интернет журналистикаси учун кадрлар салоҳиятини ошириш, онлайн-журналистикани ривожлантириш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Бугун интернет анъанавий ахборот воситалари – босма матбуот, радио ва телевидениенинг устувор жиҳатларини ўзида жамлаган янги ва улкан ахборот ресурсидир. Интернет-нашр воқеа тўғрисидаги ахборотни янгилаш борасида чекланмаган имкониятга, матн учун кенг майдонга эга. Шу билан бирга, овоз, графика ва видеомаълумотни ҳам бир зумда узата олади. Онлайн-журналистиканинг яна бир қулайлиги унда "икки томонлама алоқа" имконияти борлигидир. Ҳар бир фойдаланувчи интернетда чоп этилган материалга ўзининг муносабатини билдириши, фикрини қолдириши мумкин.

Анжуманда ижтимоий медианинг янгича шакллари – краудсорсинг ва краудфандинг технологиялари ҳақида сўз борди.

– Ушбу тадбирда ҳозирги глобаллашув асри замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан мақсадли фойдаланишни тақозо этаётганини яна бир бор англадик, – дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Раъно Ғайбуллаева. – Краудсорсинг ва краудфандинг технологиялари бу борада қулай ва оммабопдир. Улардан маҳсулот ишлаб чиқариш, турли хизматни амалга ошириш, муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатиш, тадбирлар ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларни қўллаб-қувватлашда самарали фойдаланиш мумкин. Бунда бошқа инсонлар потенциали ҳам муҳим роль ўйнаши ушбу технологияларнинг ўзига хос жиҳатидир.

Иштирокчилар "Энг яхши ғоя", "Энг яхши спикер", "Энг яхши тақдимот", "Энг яхши модератор", "Энг яхши савол", "Энг яхши ҳамкор" каби кўплаб номинацияларда эсдалик совғалари ва сертификатлар билан тақдирланди.

Конференция талабаларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича тажрибали мутахассислар билан ўзаро фикр алмашиши, замонавий журналистика ва медиа тизимининг муаммолари юзасидан ўз нуқтаи назарини билдириши учун қулай имконият яратди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

Таълим

ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР ТАҚДИМОТИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан "Халқ таълими тизимида чет тилларини ўрганишни такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Халқ таълими вазири У.Иноятов ва бошқалар мамлакатимизда таълим тизими сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани, ёш авлодни чет тилларда ўқитиш, уларнинг дунё ахборот ресурсларидан кенг фойдаланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Республикамиздаги 8 543 та мактабда инглиз, 1589 та мактабда немис, 1076 та мактабда француз ва бошқа халқаро тиллар умумтаълим мактабларида ўргатилиб келинмоқда. Шунингдек 2015-2016 ўқув йили учун 1-синф ўқувчиларига мўлжалланган 641 365 нусхада чет тили дарсликлари чоп этилиб, шулардан 594 281 нусха инглиз, 26 905 нусхада немис, 20 179 нусхада француз тилларидаги дарсликларни ташкил этади.

Мазкур дарслик мажмуалари маҳаллий муаллифлар томонидан хорижлик консультантлар ёрдамида мактаб ёшидаги болаларнинг психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда яратилди.

Анжуман давомида бошланғич синфларда чет тилларини ўқитиш учун махсус 17 222 хоналар тайёрланганлиги ҳамда уларнинг барчаси DVD-магнитола, ўқув кўргазмали қуроллар, луғат ва адабиётлар билан таъминланганлиги таъкидланди.

Чет тили хоналарига етказиб берилаётган замонавий техник воситалар, кўргазмали қуроллар ўқитувчиларга тўлақонли ва сифатли дарс ўтишлари учун қўл келмоқда. Айниқса, болаларнинг видеолавҳани кўриб, аудио материалларни эшитиб, ўйинларда бирга иштирок этишлари уларни чет тилини ўрганишга бўлган қизиқишининг янада ошишига хизмат қилмоқда.

Тадбир давомида чет тили фанларидан 4-синф учун яратилган янги "Kid's English 4" дарслик-мажмуалари тақдимоти ҳам ўтказилди. Муаллифлар йиғилганларга мажмуа ҳақида батафсил маълумот бериб ўтдилар.

Анжуман иштирокчилари шаҳримизнинг Чилонзор туманида жойлашган 90-умумтаълим мактабида бўлиб, у ерда чет тили фанларининг ўқитилиши, энг сўнгги педагогик технологиялар билан танишдилар ва "Kid's English 4" китоби асосида ўтилаётган дарсларни кузатишди.

Ушбу тадбир сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олишди.

Зафар НАЗАРОВ

Ботир Ҳайдаров (исм-фамилия ўзгартирилган) 2014 йилда Олмазор тумани ҳокимияти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан МЧЖ таъсис этади ва ўзи раҳбар бўлади. 10 ойлик фаолияти давомида турли ташкилотлар билан шартномалар тузади, савдо-сотиқ ишларини ташкил этади. Бироқ, Б. Ҳайдаров ўз фаолиятида аксарият ҳолларда амалдаги қонунчилик талабларини бузди.

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Фаолияти давомида жами 59. 113.085,8 минг сўмлик товар-моддий бойликларни нақд пулга сотиб юбориб, нақд пул сотувидан тушган пулларни белгиланган тартибда банк муассасасига топширмасдан яширган. Харидорларга сотилган товарлар учун назорат-касса машинаси чеки ёки унга тенглаштирилган квитанцияларни бермасдан, мансаб сохтакорлиги йўли билан ҳужжатларни сохталаштирган. Текширув давомида 1.317.554.2 минг сўмлик мавжуд бўлмаган товар-моддий бойликлар қолдиғининг реализация қилиш ёки сақлаш жойларида мавжудлиги ҳақидаги сохта ҳисоботни тақдим этган.

Бундан ташқари Б. Ҳайдаров ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, МЧЖ таъсисчиси ва раҳбари лавозимида ишлаб келиб, Солиқ кодексининг 114- моддаси талабига хилоф равишда, фаолияти давомида солиққа тортиладиган тушумни қасддан яшириб, тақроран мансаб сохтакорлиги йўли билан расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар киритади, олган даромадини яширади. МЧЖнинг молиявий ҳисоботларини ўз вақтида тузиш ва солиқларни тўлашга масъул шахс бўлса-да, уларга сохта маълумот ёзиб, МЧЖ томонидан солиққа тортилиши лозим бўлган базани 1.317.554,2 минг сўмга камайтириб кўрсатади, ушбу суммадан 5 фоизли ставкадаги давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган жами 65.877,7 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Суд мажлисида Б. Ҳайдаровнинг айби гувоҳлар ва далиллар билан ўз исботини топди.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани суди ушбу ишни кўриб чиқиб, Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосланиб, Б.Ҳайдаровга 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

Албатта, эзгу ниятда рўйхатдан ўтиб, фирма очган Б. Ҳайдаров мавжуд қонунларга амал қилиб, иш юритганида бундай ҳолга тушиб ўтирмасди.

Н. АГЗАМХОДЖАЕВ,
СВОЖЖДЛҚҚ департаменти
Юнусобод тумани бўлими
бошлиғи ўринбосари

Ёшлар — келажагимиз

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг ҳаётга татбиқ этилиши иқтисодий таълим соҳасига ҳам янада кўпроқ эътибор қаратилишига туртки бўлди.

Зеро, бугунги кунда жамият аъзолари олдига қўйилган улкан мақсадларга эришиш учун давр талабларига жавоб бера оладиган, зукко, маърифатли, инсонпарвар, мустақил фикрлайдиган, изланувчан, тадбиркор ёшларни таълим жараёнида шакллантириш зарурияти вужудга келди. Бу зарурият, ўз навбатида, шахснинг жамият ҳаётида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни англаши, чуқур идрок қилиши лозимлигини талаб қилмоқда. Чунки, ёш авлоднинг маънавий қиёфасини жамият ҳаёти, унда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий воқеликлар белгилайди. Ўқувчиларнинг иқтисодий билимдонлигини ривожлантиришни жамиятда тобора барқарорлашаётган бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ёш ўспиринлар бўлиб, уларнинг бу ёшида мустақил танқидий фикрлаши ривожланади, интеллектуал қобилияти ўсади, дунёқараши кенгайиб боради. Улар маданий-маънавий савиясини оширишга, ахборот воситаларидан фойдаланишга, телекоммуникация тармоқлари орқали фикр алмашишга уринадилар. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг тасаввури ва тафаккури доираси ҳам кенгайган ва ўзларини ҳар ишга қодир деб ҳисоблайдилар. Ҳаётда юз бераётган воқеаларни таҳлил этиб, келажакда ўз ўрнини топишга ҳаракат қиладилар. Шундай пайтда коллеж ўқувчиларида иқтисодий тушунча, билим ва кўникмаларни ривожлантиришга қулай шароит ва имкониятлар пайдо бўлади. Ҳақиқатан ҳам касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини иқтисодий фаолиятга тайёрлаш улар эгаллаган иқтисодий тушунча, билим ва малакаларни қўллаш орқали самарали меҳнат қилиш, ўз хусусий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, меҳнат маҳсулотларини тежаш, табиий муҳитни асраб-авайлаш, бўш вақтидан унумли фойдаланишларидан иборатдир.

Коллеж ўқувчиларида иқтисодий тушунча ва билимларни шакллантириш ва ривожлантириш уларнинг билим олишга, касб ўрганишга бўлган қизиқишига ҳам боғлиқ бўлиб бормоқда.

Иқтисодий таълимни бошқа фанлар билан узвий алоқада ўрганиш ҳам муҳимдир. Химия, физика, математика, география ва ижтимоий гуманитар фанларни ўрганишда иқтисодий тушунчалар, иқтисодиётга алоқадор мавзулар шулар жумласидандир. Бу жараёнда фанлар интеграцияси юзага келади. Лекин бундай алоқанинг ўрганилаётган мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб, унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, дарсларда янги мавзуни тушунтириш жараёнида турли кўрсаткичлар, ҳисоб-китобдан фойдаланиш, уларни таҳлил этишда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, моддий бойликлари, яъни ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш асосида ўқувчиларни ижодий фикрлашга йўллаш орқали уларнинг ўз билимларини ҳаётга татбиқ этишга ўргатиш муҳим.

Ҳозирги шароитда касбий таълим тобора такомиллаштирилиб, унинг янги метод ва шакллари ишлаб чиқилмоқда. Касб таълимида ўқувчиларнинг иқтисодий тушунчалари ва билимларини шакллантиришнинг муҳим жиҳатлари, касбга йўналтиришда иқтисодий таълимнинг муҳим эканлиги, ноанъанавий методлар ёрдамида коллеж ўқувчилари онгида иқтисодий билимларни, категорияларни шакллантириш имкониятлари жуда ҳам кўп эканлигини ўзимиз кўриб гувоҳи бўлаяпмиз. Коллеж ўқувчиларида иқтисодий билимларни ривожлантириш улар ўртасида турли мавзуда тадбирлар ўтказиш, тушунтириш ишларини олиб бориш, суҳбат, баҳс-мунозара, семинар ва конференцияларни уюштириш, уларни мазмун жиҳатдан такомиллаштириш орқали амалга оширилади.

Хулоса шундаки, ёшларнинг иқтисодий билимларни эгаллашларига эришиш келажакда иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омилидир.

Ш.АБДУЛАЗИЗОВА,
Олмазор енгил саноат
касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Шаҳрим – фахрим









МУСАФФО ЖИЛВАЛАР САЙЛИ





(Давоми. Боши 1-бетда)

— Тиббиёт нуқтаи назаридан фавворалар олдида сайр қилиш саломатлик учун фойдалидир, — дейди Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали шифокори Севара Носирова. — Мусаффо сув кишига ҳузур-ҳаловат бағишлаб, кайфиятни кўтаради, чарчоқни олади. Фаввора суви жилосини кузатадиган инсонларда қон айланиши ва мия фаолияти яхшиланади, асаб тизими тинчланади.

Сувнинг, хусусан фавворалар нинг ушбу хусусиятларини аждодларимиз ҳам азалдан яхши билган. 14-15 асрлардаёқ шарқда фавворалар меъморий мажмуаларнинг ажралмас қисми ҳисобланган. Археологик қазиш ишлари пайтида бундай иншоотлар Шаҳрисабздаги Оқсарой ва бошқа тарихий жойларда топилган. Соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқанддаги Дилкушо боғида бўлган Испания элчиси Руи Гонсалес Де Клавихо: "...подшоҳ супада ўтирарди, унинг олдида суви тепага отилиб турувчи фаввора бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб турарди", деб ёзган эди. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларидаги миниатюраларида ҳам қадимий фавворалар тасвирини кўриш мумкин. Буларнинг барчаси аждодларимизнинг юксак бунёдкорлик маҳорати ва яратувчанлик салоҳиятидан далолат беради. Шу билан бирга фавворалар нафақат кўп асрлик тарихимизнинг бир бўлаги, балки тинч ва осуда ҳаётимиз, халқимиз фаровонлиги, амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг ёрқин ифодасидир. Улар атрофида барча қулайликлар яратилгани боис бу ерга ота-оналар болалари билан, ёшлар ва фахрийлар дам олиш учун келади. Бундай хушманзара жойларда ўқувчилар, талабалар учун сайёр дарслар ўтказилади, учрашувлар белгиланади, келин-куёвлар ва сайёҳлар суратга тушадилар.

Ташкилотчилар тадбир ўтказиладиган жойларнинг тарихий-маданий хусусиятларини инобатга олгани туфайли барча томошалар ўзига хослиги ва бетакрорлиги билан ажралиб турди. Шу билан бирга "Фавворалар сайли" ёшлар оммавий-маданий тадбирлари иштирокчилари кундалик ҳаётимизга янгича назар ташлаш имкониятига эга бўлдилар.

Айниқса, шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг севимли маскани Мустақиллик майдони ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида карнай-сурнай садолари янграб дорбозлар, масхарабозлар, рақс гуруҳлари ўз маҳоратини намойиш этди. "International Hotel Tashkent" меҳмонхонаси ёнидаги фаввора олдида ҳам турфа мусиқалар янграб, санъат усталарининг чиқишлари намойиш этилди. "Болажон" маданият ва истироҳат боғида жажжи болакайлар ва уларнинг ота-оналари учун барча шароитлар яратилди. "Lokomotiv" маданият ва истироҳат боғига келганлар ҳам ўзига хос видеомусиқали фаввора олдида ташкил этилган томошалардан баҳраманд бўлдилар.

— Фавворалар олдида сайр қилишни хуш кўраман, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси 3-босқич талабаси Камола Акбарова. — Курсдошларим билан сайрга келиб, мазза қилиб яйрадик. Сайил иштирокчилари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри биноси рўпарасидаги замонавий опера ва мумтоз мусиқа садолари остида бамисоли камалакдек жилоланаётган мусиқали фавворадан бир олам завқ олишди.

— Бу ердаги ажойиб манзарадан баҳри-дилимиз очилди, кайфиятимиз кўтарилди, — дейди Қўйлиқ-5 мавзесида яшовчи Мадина Ёқубова. — Фавворанинг жилваси, сувнинг мусаффолиги инсон қалбига эзгулик, гўзаллик, хотиржамлик улашади. Мана шундай сайилгоҳлар, дам олиш масканлари барпо этилаётгани юртимизда биз ёшларнинг баркамол ўсиб-улғайишимиз учун яратиб берилаётган шароитлардан беҳад мамнунмиз.

Шаҳримизда ташкил этилган "Фавворалар сайли" тадбирлари, маданий-маърифий, кўнгилочар концерт дастурлари шу куни кечгача давом этди.

З.ШАРИФЖОНОВ



И. Исмоилов олган суратлар

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ДИРЕКТОРЛИК ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	ТИМИ қошидаги "Интернешнл Хаус-Тошкент" академик лицейи	Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй
2	Тошкент Ислом университети қошидаги академик лицей	Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 11-уй
3	Мирзо Улуғбек технологик касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-1 даҳаси, Мингбулоқ 1-б-уй
4	Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи	Сергели тумани, Қўйлиқ 5-даҳа, Ким Пен Хва кўчаси, 50-уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1.Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2.Сўровнома (справка-объективка);
3.Таржимаи ҳол;
4.Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5.3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
6.Паспорт (нусхаси);
7.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилган.

Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади. Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйининг биринчи қавати. Бошқарма маъмурияти.

"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2016 йил 31 май куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Миробод туман СИБ томонидан, 2016 йил 11 апрель кунги ижро варақасига асосан хатланган, Меҳригиё кўчаси, 1-уйда сақланаётган, 2014 йилда и/ч дав. бел. 01/304KDA бўлган "Howo" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич нархи 315 756 224 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Тел: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

Спорт янгиликлари

ЕТАКЧИЛАР ҚАТОРИДА

Осиё футбол конфедерациясининг расмий сайти Осиё чемпионлар лигасининг 5-тур доирасидан ўрин олган учрашувларда сермаҳсул ҳаракат қилган футболчилар орасидан энг яхшиларини ажратиб олди.

Унга кўра бу гал "Ал Аҳли" клуби аъзоси Ислом Ҳуссаин "Toyota player of the week" томонидан ҳафтанинг энг яхши футболчиси бўлди. Мазкур ҳужумчи "Ал Жаиш" – "Ал Аҳли" қарама-қаршилигида иккита гол уриб жамоасининг ғалабасига ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Қолган ўринларни эса "Жиангсу" жамоасидан Вай Хи ҳамда бразилиялик Жо, "Ал Иттиҳод" ҳужумчиси Абдулраҳмон Ал Гамди, "Зоб-Аҳан" ярим ҳимоячиси Эҳсон Паҳлавон, "Чонбук Моторс" ярим ҳимоячилари Ли Бо-Кюнг ва Ли Жае-Сунг, "Пахтакор" ярим ҳимоячиси Шерзодбек Каримов эгаллаган.

Эслатиб ўтамиз, "Шерлар"нинг ўнг қанот ярим ҳимоячиси "Ал Жазира"га қарши кечган муҳим баҳсда, жарима майдони ташқарисидан белгиланган жарима тўпини тўппа-тўғри дарвозанинг юқори чап бурчагига жойлаб қўйган эди. Бу зарба нафақат чиройли йўлланган, балки мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони учун жуда аҳамиятли эканлиги билан ҳам мухлисларни қувонтирди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Жорий йилнинг 15 сентябрь – 2 октябрь кунларида Ҳиндистонда футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА

Ушбу нуфузли мусобақада Темур Олимхўжаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоамиз ҳам иштирок этади. Қитъа биринчилигига қизғин ҳозирлик кўраётган ўсмирлар терма жамоамиз Тошкентда иккита йиғин уюштирган эди. Дастлаб Темур Олимхўжаев шогирдлари турнирда иштирок этиб, Япония, Эрон, Туркманистон терма жамоалари билан куч синашишди. Иккинчи йиғин доирасида Европа вакили Польша ўсмирлар терма жамоаси билан Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўртасида иккита ўртоқлик учрашуви ҳам уюштирилди.

Энди ўсмирлар терма жамоамиз май ойи бошида БААга йўл олади. Йиғин доирасида Ўзбекистон ва БАА ўсмирлар терма жамоалари ўзаро икки марта ўртоқлик учрашувида куч синашишади. Ушбу баҳслар 5, 7 май кунлари бўлиб ўтади.

Футбол бўйича мамлакат XXV миллий чемпионатининг олий лига жамоалари ўртасидаги олтинчи тур баҳслари якунига етди.

ОЛТИНЧИ ТУР НАТИЖАЛАРИ

Осиё чемпионлар лигаси турниридаги муваффақиятсиз иштирокдан сўнг "Бунёдкор" энди бор эътиборини мамлакат чемпионати беллашувларига қаратишга аҳд қилган чоғи, 6-турда ҳам олий лига дебютанти "Обод"ни йирик 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

"Жар" стадионида уюштирилган баҳсда "Обод" футболчилари тажрибали рақибларига жиддий қаршилик қила олишмади. Мухлислар шу куни дарвозага киритилган 4 та голнинг гувоҳи бўлишди. "Обод" жамоаси дарвозасини Д.Ҳамдамов, С.Шоаҳмедов ва Э.Шомуродов (2 та) аниқ нишонга олишди.

Жорий йилги мавсумда фақат чемпион бўлишга қатъий аҳд қилган "Локомотив" меҳмонда "Шўртан" жамоаси билан куч синашиб мезбонлар дарвозасига Кападзе, Жепаров томонидан киритилган иккита гол эвазига яна зафар қучди ҳамда муҳим уч очкони қўлга киритди. Ўйин 2:0 ҳисобида темирйўлчиларнинг ғалабаси билан ниҳоясига етди.

Ўз майдонида "Металлург" билан куч синашган амалдаги чемпион "Пахтакор" муросасиз беллашувда 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Меҳмонлар дарвозасини И.Сергеев ва Ш.Каримов аниқ нишонга олишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Андижон" — "Сўғдиёна" — 3:0, "Машъал" — "Нефтчи" — 1:2, "Қўқон-1912" — "Қизилқум" — 0:3, "Бухоро" — "Насаф" — 0:2, "Олмалиқ" — "Навбаҳор" — 2:1.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **3 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14, кундузи — 23-25 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **3 майда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 555
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ. офсет усулида босилади. 10101 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 16.15
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ